

# FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДА ВАЛЕОЛОГИК ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ МОХИЯТИ .

Осиё Халқаро Университети “Тарих ва филиология” кафедраси доценти

**Гадоева Лобар Эргашевна**

Осиё Халқаро Университети талабаси

**Жаҳонова Мухлиса Воҳиджоновна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ муаммолар, valeologyяning илмий назарий методологияси масалалари орқали valeologyк таълимотлар, қарашлар ва фикрларда мавжуд эканлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** Valeologyя, шахс, аҳоли, саломатлик, соғлом авлод, жисмоний меҳнат, рух, психоматик жараёнлар.

Соғлом турмуш тарзи ва соғлом авлодни тарбиялаш бугун глобал масалалардан бирига айланган, шу сабабли у нуфузли халқаро ташкилотлар (БМТ, ЮНЕСКО, ЖСТ), илм фан соҳаларининг диққатини тортмоқда. Valeologyяning алоҳида илм фан соҳаси сифатида юзага келгани, баъзи давлатлар таълим тизимиға киритилгани фикримизни тасдиқлайди. “Vale” лотинча сўз бўлиб, саломлашиш, саломатлик тилаш маъноларини англатади. И.И.Брехманнинг фикрича, Valeologyя инсон саломатлигини асрашга, мустаҳкамлашга қаратилган, медицина, табиатшunoslik, социология, педагогика, физкультура ва спорт соҳаларидағи илмий назарий ва амалий натижаларга, ютуқларга таянадиган илм фандир.<sup>1</sup> Олимлар Valeologyяни шахс ва аҳоли саломатлигини, соғлом турмуш тарзини назарий тадқиқ этадиган, инсон саломатлиги билан шуғулланувчи фанларнинг хуласалари ва тавсияларига таянадиган, шу билан бирга, ўзининг назарий методологиясига эга илм фан тармоғи сифатида қарайди. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган катта эътибор, умуман, соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ муаммолар Valeologyяning илмий назарий методологияси масалаларини, предмет ва методларини аниқлаштиришга унади. Я. Л. Мархоцкий чоп эттирган ўкув қўлланмаси ана шу илмий назарий масалаларни ўз олдига кўйди ва бугун Valeologyя, Valeologyк қарашлар интеграциялашган илм фан сифатида гуманитар фанлар

<sup>11</sup> Брехман И.И. Введение в валиологию науку о здоровье. Москва : Наука, 1987. С.5.

## FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

тизимида ўз ўрнини топган<sup>2</sup>. Бугун валеологик қарашлар умумий валеология, социологик валеология, амалий валеология каби йўналишларда тадқиқ этилмоқда .

Умумий валеология соғлом турмуш тарзининг умумий назарий, фалсафий муаммоларини тадқиқ этади. Инсон ва унинг саломатлигини таъминлашнинг макротизим ва микротизим контексида, ҳаётий мақсади ва ижтимоий муносабатлардаги ўрни орқали ўрганади. Мазкур умумий фалсафий изланишлар кўпроқ тарихий фалсафий меросга, файласуфларнинг инсон саломатлиги ҳақидаги фундаментал қарашларига таянмоқда. Фалсафа тарихи, ижтимоий тафаккурга оид илмий меросда инсоннинг саломатлигига оид шундай фикрлар, ғоялар мавжудки, улар замонавий валеологик таълимотларни тўғри англашга ёрдам беради. Масалан, Сукротнинг 60 ёшга яқинлашганида оёқяланг, ёш аскарлар билан teng чопиб юргани, совук сувда ювенишни канда қилмаганлиги, Платоннинг тош ва гимнастика машқлари билан шуғулланганлиги, Диогеннинг очик ҳавода ётишни, ухлашни одат қилганлиги, Сенеканинг танасини маҳсус руҳий машқлар орқали чиниқтиргани, Юсуф Ҳамадоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг мунтазам жисмоний меҳнат билан шуғуллангани кабилар замонавий валеологик таълимотлар учун ибратли мисоллар бўла олади.

Умумий валеология фалсафий мулоҳазаларга, ёндашишларга мойилдир. Унда одам организми бутун система сифатида қаралади, организмдаги салбий ўзгариш ана шу бутунликнинг, яхлитликнинг бузилиши ёки ёш билан боғлиқ тарзда, организмдаги психофизиологик ўзгаришлар натижаси сифатида қаралади. Инсон қаби унинг организми ҳам бир тарзда турмайди, улар флюктуацион (чайқалиб, тебраниб) ривожланиш ва ўзгаришга хос.<sup>3</sup>

Ижтимоий валеология жамиятдаги инсон саломатлигини, унинг одамлар ва жамият билан турли ва кўп қиррали ижтимоий муносабатларини ўрганишга қаратилган.

Соғлом турмуш тарзини шахсий, гуруҳий ва ижтимоий пағоналарда тадқиқ этиш мумкин. Улар ўртасида дифференциал фарқлар ва ёндашувлар мавжуд. Соғлом турмуш тарзи назарияси (валеология)да улар

<sup>2</sup> Мархоцкий Я.Л. Валеология . Учебное пособие. Минск: Висш.школа, 2006. С.4.6.

<sup>3</sup> Бекчан А.(Кутлумурадов А.Б.)Физическое тело человека (или непрочитанные лекции о полноте человеческой природы).Ташкент: Изд.им. Абу Али Ибн Сино, 1997.С.191 -193

## FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

атрофлича очиб берилган ва бу борадаги бахсли фикрлар валеологиянинг шаклланишига хизмат қиласи.

Валеологик таълимотларни, қарашлар ва фикрларни деярли барча ижтимоий гуманитар ва тиббий фанларда учратиш мумкин. Айниқса инсон саломатлигининг рух, психоматик жараёнлар билан боғлиқлиги, диний, маънавий аҳлоқий омилларнинг кайфиятга таъсири ҳар томонлама асосланаётган ҳозирги даврда валеологияни интегратив аҳамиятга эга фан соҳасига айлантироқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Бреҳман И.И. Введение в валиологию науку о здоровье. Москва : Наука, 1987.С.5.
2. Мархоцкий Я.Л. Валеология . Учебное пособие. Минск: Висш.школа, 2006. С.4.6.
3. Бекчан А.(Кутлумуродов А.Б.)Физическое тело человека (или непрочитанные лекции о полноте человеческой природы).Ташкент: Изд.им. Абу Али Ибн Сино, 1997.С.191 -193.